

ЯНВАРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

Гуруҳ		Ўрта					
Мавзу		Хушмуомалалик алифбоси					
Муддати		Январнинг 4-хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	«Соғлиқ» и «касаллик» тушунчалари билан таништириш. Бажараётган ҳаракатлари орасидаги узвийликни ва организм ҳолатини билишни ривожлантириш («Мен тишимни тозалайман - демак, улар мустаҳкам ва соғлом бўлади», «Менинг оёғим кўчада нам бўлди, энди менда тумов бошланади»), ҳаракат, тезлик, чакқонлик кўникмаларини ривожлантириш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Турли ўйин ҳаракатлари орқали ўйин сюжети ва мазмунини бойитиш. Ўйин жараёнида турли касб эгаларининг меҳнат ҳаракатларини тасвирлаш, ўзаро ҳаракатга киришиш. Ўйин жараёнида болалар ўртасида ўзаро дўстлик муносабатларини тарбиялаш. Ўйин жараёнида ролларни алмаштириш, мулоқот қилиш, ўзаро ёрдам бериш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Мактабгача таълим муассасаси ходимлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, катталар меҳнатига ҳурматни ошириш, мактабгача таълим муассасаси хоналарида ўзини тута билиш. Мактабгача таълим муассасаси ҳаёти ҳақида гапириб беришни ўргатиш, мантикий фикрлашни кенгайтириш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Предметларни катта-кичиклиги бўйича таққослаш, турли геометрик шаклли предметларни топишни билиш. Болаларни касблар билан таништириш, ҳар бир касбнинг муҳимлигини тушунтириш, болаларни сюжетли композициялар яратишга ўргатиш.					
	Ижодий ривожланиш	Муסיқа ритмига риоя қилган ҳолда сокин овозда қўшиқ айтишни билиш. Муסיқа оҳангларига ҳамоҳанг ҳаракат қилиш. Ўйинчоқлар учун чой сервисини яратишда жамоада фаол ишлаш. Кичик моторикани, кўзда чамалашни ривожлантириш. Ҳар иккала қўл ҳаракатини назорат қилиш. Ҳамкорлик ва ижодкорлик кўникмаларини тарбиялаш.					
Эркин фаолият	Ривожланиш марказлари	Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
	Қуриш-ясаш ва математика	Ясаш: Етти рангли гул		Геометрик шакллар. Кенг-тор			Қайчи, елим, рангли қоғоз. Геометрик шакл, ўйинчоқ ва тарқатма материаллар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Мактабгача таълим муассасаси ошхонаси” сюжетли-ролли ўйин “Оила” Сюжетли-ролли ўйин					Ошпаз кийими, идишлар тўплами, ўйинчоқлар, оқ халат, бош кийим
	Тил ва нутқ	Тақдимот: Менинг мактабгача таълим муассасасам					АКТ, расмлаар
	Фан ва табиат	Амалий тажриба: Ҳаво хусусиятлари. Совун пуфакчалари					Совун пуфакчалари, кўпиртириш учун шакл, сюжетли расмлар, турли кенгликдаги шакллар тўплами
	Санъат	Расм: Лаган		Ясаш: Пиёла, коса		Аппликация: Лаганни безаш	Оқ қоғоз, рангли қалам, пластилин, фломастерлар, рангли қоғоз, елим, қайчи, салфетка
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ЯНВАРЬ ТҮРТИНЧИ ҲАФТА ХУШМУОМАЛАЛИК АЛИФБОСИ

Куриш, лойиҳалаштириш, математика маркази

Ясаш: Етти рангли гул

Мақсад: болалар қоғоз, қайчи билан ишлашни ўрганадилар, варақни буклаш, керакли ҳажмда текис қирқишни биладилар, зарур рангларни танлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: : гул расми - етти рангли гул, қайчи, елим, рангли қоғоз.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Ранги бўйича топ” таълимий ўйин.
2. Етти рангли гулни ясаш схемасини кўриб чиқиш.
3. Гулни тайёрлаш жараёни.
4. Тайёр гуллар намойиши.

Қўшимча: “Етти рангли гул” ҳикоясини ўқиш. Тайёрланган гуллар билан гуруҳ хонасини ясатиш мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: яқинларига ёрдам бериш ҳисси.

Курилиш, лойиҳалаштириш, математика маркази

Геометрик шакллар: Кенг – тор

Мақсад: болалар геометрик шаклларни уларнинг кўринишига қараб англаш ва таққослашни ўрганадилар, узун, тор сўзларидан фойдаланган ҳолда тушунчаларни таққослайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: : геометрик шаклли ўйинчоқлар, тарқатма материал.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Қўғирчоқлар учун ўриндиқлар” таълимий ўйини.
2. Ўриндиқларни кенглиги бўйича таққослаш.
3. Геометрик шаклларнинг хусусиятлари ва фарқларини кўриб чиқиш.
4. Тарқатма материал билан ишлаш.
5. “Уй яса” таълимий ўйини.

Қўшимча: математик терминлар билан таққослаш.

Эътиборга молик жиҳати: хулоса чиқаришни ўргатиш.

Фан ва табиат маркази

Амалий тажриба: Ҳаво хусусиятлари. Совун пуфакчалари

Мақсад: болалар ҳаво, сув тушунчаларини мустаҳкамлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар бир бола учун банкаларда совун пуфакчалари, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сув ва ҳаво ҳақида суҳбатлашиш.
2. «Мурувватчалар» («Фиксики») мультфильмининг «Ҳаво» сериясини кўриш.
3. Болалар билан совун пуфакчалари билан ишлашни режалаштириш.
4. Совун пуфакчалари билан тажриба ўтказиш.
5. Сув ва ҳаво хусусиятлари ҳақида болалар хулосалари

Қўшимча: совун пуфакчалари ривожлантирувчи ўйини.

Эътиборга молик жиҳати: фан билан ҳаётнинг ўзаро боғлиқлиги, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

Сюжетли-ролли ўйин ва сахналаштириш маркази

Сюжетли-ролли ўйин: “Мактабгача таълим муассасасида ошхона”

Мақсад: болалар овқатлашин жойлари номи (ошхона, кафе, чойхона..)ни биладилар, жамоада ҳамкорликда ишлай оладилар, аниқ ролни бажарадилар, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга интиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: болалар идишлари тўплами, ўйинчок кўғирчоқлар, оқ халат, бош кийим.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сухбат: Стол атрофида ўзини тутиш қоидалари.
2. “Қуён айикнинг уйида меҳмон бўлди” шеърини ўқиш (тинглаш).
3. МТМ ошхонасига экскурсия.
4. Ролларни тақсимлаш.
5. Саҳна намоёйиши
6. Рағбатлантириш

Қўшимча: “Винни Пух қуённинг уйида меҳмонда” мультфильмини томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: хушмуомалалик қоидаларига риоя этилади.

Сюжетли-ролли ўйин ва сахналаштириш маркази

“Оила” сюжетли ўйини

Мақсад: болалар оила аъзолаларини биладилар, оила аъзоларига ҳурмат ва меҳр туйғуларини намоён қила оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Оила” сюжетли ўйинини ўйнаш учун зарур барча ўйинчок, кўғирчоқ, мебель, идишлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сухбат: “Менинг оилам”.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Оила ҳаётидан бирор бир сюжетни ўйнаш.
4. Копток билан ўйин “Оила аъзолари номларини айт”.

Қўшимча: оила аъзолари расмини чизиш.

Эътиборга молик жиҳати: оила аъзолари ўртасида ижобий муносабатлар шакллантирилади.

Тил ва нутқ маркази

Тақдимот. Менинг мактабгача таълим муассасасам

Мақсад: болалар мактабгача таълим муассасаси ҳақидаги билимларини тизимлаштирадилар, ошхона, ётоқхона, ўйин хонаси каби отлар, кийинмок, рақсга тушмок, чизмок феъллари асосида луғат бойлигини кенгайтирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мактабгача таълим муассасаси ҳақида болалар расмлари, сюжетли расмлар, ўйинчоклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар билан ўз гуруҳлари номларини аниқлаштириш.
2. Мактабгача таълим муассасаси ҳақида болаларнинг ҳикояси.

3. “Кўрсатамиз ва айтиб берамиз” таълимий ўйини.
4. “Бизнинг ўйинчоқлар” таълимий ўйини.
5. Ўз гуруҳи ёки МТМ ҳақида қисқача ҳикоя қилиб бериш.
6. Мавзу бўйича расм чизиш

Қўшимча: “Яхши ва ёмон” сўз ўйини.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни яхши ишлар қилишга ўргатиш, ижодий тафаккурини ривожлантириш

Тил ва нутқ маркази

Ҳикоя тузиш: Мактабгача таълим муассасасида ошпаз

Мақсад: мактабгача таълим муассасасининг ошпази ҳақида қисқа ҳикоя тузиш, ошпаз касбини таърифлаб бериш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сюжетли расмлар, қўғирчоқ идишлар тўплами.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу бўйича сюжетли расмларни кўриб чиқиш
2. “Ким қаерда ишлайди?” таълимий ўйини
3. Сюжетли-ролли ўйин: “Компот қайнат”.
4. МТМ ошпази ишини кузатиб у ҳақда ҳикоя тузиш.
5. Ҳикоялар тақдироти

Қўшимча: мева ва сабзавотлар ҳақида суҳбатлашиш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳикоя тузишда ошпазлик касбига оид атамаларни ўринли қўллаш.

Санъат маркази

Расм: Лаган

Мақсад: болалар айлана шаклидаги предметларни чиза оладилар, айланани нақшлар билан безата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, гуашь, салфетка, расм, мўйқаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар ҳар хил нақш билан безатилган лаган расмларини кўриб чиқадилар.
2. Ўз расмларида олинган усуллардан фойдаланадилар.
3. Бажарилган ишлар кўргазмаси

Қўшимча: халқ амалий санъати намуналарини томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий потенциали ривожлантирилади.

Санъат маркази

Ясаш: Пиёла, коса

Мақсад: болалар пластилидан қўғирчоқлар учун идишлар ясайдилар, пластилиннинг тўлиқ бир бўлагидан фойдаланишни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: идиш, пластилин, ясаш учун доскача.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суҳбат: “Идиш нима учун керак?”
2. Қўғирчоқ учун идиш яшаш.
3. “Қўғирчоқлар учун идишлар” кўргазмасини ўтказиш.

Қўшимча: идиш ташландиқ материал билан безатилади.

Эътиборга молик жиҳати: майда моторикани ривожлантириш.

Санъат маркази

Аппликация: Лаганни безатамиз

Мақсад: болалар айлана шаклининг қисмларини текис кеса оладилар, аппликацияни қоғознинг марказига жойлаштирадилаар, нақшлар билан безатадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ қоғоз, рангли картон, қайчи, елим, салфетка, мўйқаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Лаган композициясини танлаш
2. Тарбиячи схемаси бўйича ишни бажариш
3. Тайёр ишлар таҳлили

Қўшимча: нақш элементларини ўйлаб топишни таклиф этилади.

Эътиборга молик жиҳати: рангни ҳис қилиш, қўлнинг майда моторикаси ривожланиши